# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 6 март, № 47 (6482) Якшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарама онахонлар, қадрли опа-сингиллар, дилбар қизларим!

Она табиат чирой очиб, атроф-муҳит яшил либосга бурканиб, баҳор нашидаси тобора кучайиб бораётган айни шу фусункор айёмда сиз, азизларимни, сизларнинг тимсолингизда бутун Ўзбекистон хотин-қизларини 8 март байрами билан чин қалбимдан табриклашни ўзим учун катта бахт, деб ҳисоблайман.

Мана шу байрам кунларида биз — юртимизнинг кексаю ёш барча-барча эркак зоти, мард ўғлонлари, ҳақиқатан ҳам, Яратганнинг мўъжизаси бўлмиш аёл сиймоси олдида, аввалambор, меҳрибон оналаримиз олдида бош эгиб, таъзим бажо келтирамиз.

Мунис опа-сингилларимиз, вафодор умр йўлдошларимиз, дунёдаги энг чиройли, латофатли қизларимизни табриклаб, уларнинг шаънига самимий ва эзгу тилакларимизни, чуқур ҳурматимизни изҳор этамиз, жажжи қизалоқ набираларимизни бағримизга босиб, чин юракдан қутлаймиз.

Шу кунларда ҳаммамизнинг тилимизда, дилимизда бўлган бир фикрни ҳеч иккиланмасдан айтишни зарур, деб биламан.

Бу дунёда ширин ва аҳил, бахтли ҳаёт учун пойдевор яратиб, инсонни инсон, оилани мустаҳкам оила қиладиган, биз учун севги-муҳаббат, вафо ва садоқат тимсоли бўлиб келаётган сиз, гўзал ва бетакрор, қадрдон аёлларимиз, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Чиндан ҳам, ўзининг беқиёс меҳри ва фидойилиги, сабр-қаноати ва чидамлилиги билан хонадонларимизда, бутун жамиятимизда тинчлик-хотиржамлик, тотувлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини сақлаб, ҳаётимизга файзу тароват бағишлайдиган, тунлари бедор бўлиб, болаларимизни баркамол инсонлар, Ватанимизнинг мард ва жасур ҳимоячилари этиб вояга етказадиган ким?

Меҳрибон ва оқила аёлларимиз эмасми?

Умр йўлларимизда қандай оғир синов ва машаққатлар дуч келмасин, уларни енгиб ўтишда руҳимизни кўтариб, кучимизга — куч, ғайратимизга — ғайрат қўшадиган инсонлар ҳам, ҳеч шубҳасиз, дунёдаги энг мўътабар зотлар, қалби дарё аёлларимиздир.

Шу маънода, Алишер Навоий бобомизнинг "Аёллар — фаришталарнинг опа-сингилларидир" деган ҳикматли сўзларида қандай чуқур маъно борлигини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Ҳурматли юртдошлар!

Биз ўз олдимизга қўйган олий мақсадимизга эришиш йўлида, яъни жаҳондаги энг тараққий топган, демократик ва эркин давлатлар қаторига кириш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш, халқаро майдонда мамлакатимизнинг обрў-эътиборини юксалтиришда, мухтасар қилиб айтганда, бугун Ўзбекистонимиз қўлга киритаётган улкан марраларда — бу қайси соҳа, қайси касб-ҳунар бўлмасин, уларнинг барчасида аёлларимизнинг муносиб, буюк ҳиссаси борлигини миннатдорлик билан таъкидлаймиз.

Бу ҳақда гапирганда, хотин-қизларимизнинг нафақат кундалик турмушда, балки давлат миқёсидаги энг муҳим масалаларни ҳал қилишда ўрни ва роли тобора ортиб бораётганини алоҳида қайд этишни зарур, деб биламан.

Бугунги кунда юзлаб депутат аёлларимиз Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларда халқ вакиллари бўлиб фаолият кўрсатаётгани, давлат ва жамият бошқарувида, сиёсий ва ижтимоий ҳаётимизда, фуқаролик институтлари ва нодавлат тузилмаларда қанчадан-қанча опа-сингилларимиз эл-юрт манфаати учун жонбозлик билан хизмат қилаётганини ҳурмат билан эътироф этамиз.

Биз учун устувор аҳамиятга эга бўлган таълим-тарбия, маданият ва илм-фан соҳаларида меҳнат қилаётган ходимларнинг 73 фоизини, соғлиқни сақлаш тизимида 75 фоизини, ишлаб чиқариш тармоқларида 42 фоизини, қишлоқ хўжалигида 43 фоизини айнан аёллар ташкил этаётгани уларнинг, ҳақиқатан ҳам, бирор-бир соҳада ҳеч кимдан қолишмаслигини кўрсатади.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиздаги кичик бизнес субъектларининг 120 мингдан зиёдини, фермер хўжаликларининг 4 минг 550 дан ортиғини хотин-қизлар самарали бошқариб, барчага ўрнак ва намуна бўлиб келмоқда.

Мен жойларда бўлиб, мана шундай ўзининг қадр-қимматини, ҳаётнинг пасту баландини яхши биладиган, келажакка катта ишонч билан қараб, сидқидилдан меҳнат қилаётган опа-сингилларимиз билан учрашиб, суҳбат қурганда, очиғини айтишим керак, ўзим учун катта таассурот, маънавий-руҳий қувват оламан.

Жамиятимиз тараққиётини бугунги юксак босқичга кўтаришда дунёда ўхшаши кам бўлган ноёб тузилма — маҳалла фаолларининг, хусусан, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи бўлиб ишлаётган, кўпни кўрган, жонкуяр опа-сингилларимизнинг беқиёс ҳиссаси борлиги барчамизни албатта қувонтиради. Элу юртимиз ўртасида соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, хонадонларда турли гинаю аразларнинг олдини олиш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида ўзини аямасдан меҳнат қилаётган ана шундай минг-минглаб аёлларимизга ўз номимдан, халқимиз номидан самимий ташаккур изҳор этишни ўзимнинг бурчим, деб биламан.

Азиз опа-сингиллар!

Биз Ватанимиз мустақиллигининг биринчи кунлариданоқ бошлаб юртимизда оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш каби муҳим вазифаларни давлат сиёсати даражасига кўтарганимиз ва бу соҳада амалга ошираётган ишларимиз бугунги кунда жаҳон миқёсида ҳавас билан тан олинмоқда.

Бу ҳақда кўп гапирмасдан, биргина 2015 йилнинг ўзида тадбиркор аёллар учун ажратилган кредитлар 1 триллион 255 миллиард сўмни ёки 2014 йилга нисбатан 130 фоизни ташкил этганини айтиш кифоя, деб ўйлайман.

Ҳеч шубҳасиз, бундай кўмак ва ёрдам хотин-қизларнинг қобилияти ва салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларнинг жамиятимиз ҳаётидаги муносиб иштирокини таъминлашда муҳим амалий қадам бўлмоқда.

Ўтган йили касб-ҳунар коллежларини битирган 230 мингдан кўпроқ қиз болалар ишга жойлаштирилгани, тадбиркорлик соҳасида ўз ишини бошлаётган 6 мингдан ортиқ ёш қизларга 51 миллиард сўмдан зиёд кредитлар ажратилгани ҳам опа-сингилларимизнинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш борасидаги салмоқли ишларимиз қаторига киради.

Шу билан бирга, кейинги икки йилда 2 минг 80 та хонадонга мўлжалланган 57 та кўп қаватли "Камолот" уйлари барпо этилиб, ёш оилаларга берилгани, минглаб ёшларимиз учун имтиёзли ипотека ва истеъмол кредитлари ажратилгани ва бундай тадбирлар изчил давом эттирилаётганини қайд этиш ўринлидир.

Шулар ҳақида сўз юритар эканмиз, 2015 йилда 1 минг 668 нафар спортчимиз, жумладан, 567 нафар қизимиз халқаро мусобақаларда иштирок этиб, 983 та медалга эришгани, иқтидорли фарзандларимиз нуфузли халқаро танловларда 137 та совринли ўринни, жумладан, 76 та Гран-прини қўлга киритганини юртимизда соғлом ва баркамол авлодни шакллантиришга қаратилган кенг кўламли ишларимизнинг амалий натижаси сифатида қабул қиламиз.

Айни вақтда хотин-қизларимиз учун янада қулай шароитлар яратиш, уларнинг оғирини енгил қилиш, ўз билим ва профессионал малакасини амалда намоён этиши учун кенг йўл очиб бериш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Айниқса, жондан азиз фарзандларимизни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган инсонлар қилиб камол топтириш, аввало, қиз боланинг тақдири ҳақида ғамхўрлик қилиш, уни бамисоли жамиятимизнинг гулидек тарбиялаб, вояга етказиш, бўлажак оиланинг бахтли бекаси сифатида кўриш вазифаси, яна ва яна бир бор айтаман, барчамизнинг энг олий мақсадимиз бўлиши даркор.

Нега деганда, бунинг негизида халқимиз, миллатимизнинг ҳаёти, келажаги билан боғлиқ оддий ва шу билан бирга, ўта масъулиятли ҳақиқат мужассам бўлиб, уни ҳеч қачон унутмаслигимизни истардим. Яъни қизларимиз тимсолида биз, аввалambор, бўлғуси оналарни, ҳам жисмоний, ҳам маънавий соғлом авлодни ўзимизга тасаввур қиламиз, наслимиз давомчиларини кўрамиз. Ҳеч шубҳасиз, қиз бола соғлом, билимли, замонавий касб-ҳунар эгаси бўлса, у курадиган оила ҳам, бу оиланинг меваси бўлмиш бола ҳам соғлом ва бахтли бўлади. **Оила соғлом ва бахтли бўлса, бутун жамият барқарор ва фаровон бўлади.**

Ҳаммамиз яхши тушунамизки, мамлакатимизда 2016 йилнинг "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилиниши, аввало, ана шундай эзгу мақсадга хизмат қилади. Ушбу дастур доирасида жами 7 триллион 483 миллиард 300 миллион сўм ва 194 миллион 400 минг доллар ҳажмидаги ишларни амалга ошириш белгиланганининг ўзи, ўйлайманки, унинг миқёси ва кўлами қандай улкан эканидан далолат беради.

Дастурда белгиланган, кундалик ҳаётимизда энг муҳим, эътибор қаратиш зарур бўлган йўналишлар ҳақида гапирганда, биринчи навбатда, тиббиёт масканлари, оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, акушер-гинекологлар, болалар шифокорларининг малакасини юксалтириш, она ва боланинг соғлиғидан мунтазам хабар олиб, уларга тегишли ёрдам кўрсатадиган патронаж ҳамширалар сонини кўпайтириш каби ўта долзарб масалалар бундан буён ҳам диққатимиз марказида бўлади.

Юртимизда ҳукм сураётган ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва аҳилликни янада мустаҳкамлаш, ёшларимизнинг онги ва қалбини бизга мутлақо ёт бўлган зарарли оқим ва таъсирлардан, "оммавий маданият" хуружларидан сақлаш, оилаларда, маҳаллаларда олиб бораётган тарбиявий ишларимизни янги босқичга кўтаришни бугун тобора кескинлашиб, мураккаблашиб бораётган ҳаётнинг ўзи барчамиздан талаб этмоқда.

Ана шундай ўткир масалаларни ечишда мен сиз, муҳтарама аёлларимизга, сизларнинг ақл-заковатингиз, олижаноб фазилатларингизга таянишимни, сизларни ўзимнинг энг яқин маслаҳатчиларим ва сафдошларим, деб билишимни фурсатдан фойдаланиб бугун яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман.

Азиз ва қадрли опа-сингилларим!

Бамисоли баҳор элчиси бўлиб келаётган, ўзингиздек гўзал ва дилбар мана шу қутлуғ айёмда барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Умрингиз узоқ, иқболингиз зиёда бўлсин!

Барча эзгу орзу-ниятларингиз амалга ошсин!

Доимо оилангиз ва фарзандларингиз, элу юртимиз ардоғида бўлинг, азизларим, меҳрибонларим!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**

## 8 март — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ



# МЕҲРИБОН, ОҚИЛА, ГЎЗАЛ ВА ДИЛБАР

Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Аёлни эъзозлаш, унга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, барчамиз учун дунёда энг қадрли, жондан азиз ва меҳрибон Она эканини англаш ҳамда бундай улуғ сиймо қаршисида бош эгиш ҳаётий фалсафамизга айланган. Зеро, ўзининг латофати, вафо ҳамда садоқати билан хонадонларимиз чароғбони, файзу фариштаси бўлган опа-сингилларимизнинг оилаларимиз тинчлиги ва хотиржамлигини сақлаш, турмушимизни янада обод этиш, айниқса, жамиятимизда меҳр-оқибат муҳитини кучайтиришда қўшаётган ҳиссаси беқиёсдир.

Мамлакатимизда мустақилликнинг илк йиллариданоқ хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, фаоллигини ошириш, касбий, жисмоний, маънавий, интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, илғор ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, оналик ҳамда болаликни муҳофаза қилиш, соғлом оилани шакллантириш каби масалаларга устувор вазифа сифатида эътибор қаратиб келинмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

# АХБОРОТ

*Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари ваколатлари муддати шу йил май-июнь ойларида тугаши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасига, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддаси ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8, 10 ва 11-моддаларига мувофиқ, мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига навбатдаги сайловни ўтказишга тайёргарлик кўрилмоқда. Бу йил 9764 нафар фуқаролар йиғини раисини ва уларнинг 99 минг нафардан ортиқ маслаҳатчисини сайлаш режалаштирилмоқда.*

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг шу йил 5 мартда бўлиб ўтган мажлисида фуқаролар йиғинлари раислари ва улар маслаҳатчиларининг сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, мустақиллик йилларида маҳалла институтининг мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ишончли таянчи ва таъсирчан кучи бўлиб хизмат қилишига зарур шарт-шароитлар яратиш борасида кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилди. Натижада ушбу ноёб тузилма жамиятимиз ҳаётининг энг самарали, айни пайтда миллий кўриниши сифатида юртимизда амалга оширилаётган «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» деган тамойилнинг амалий ифодасига, кенг халқ оммасини давлат, ҳокимият идоралари билан боғлаб турувчи мустаҳкам кўприкка айланди.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг ҚАРОРИ

# ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИ РАИСЛАРИ (ОҚСОҚОЛЛАРИ) ВА УЛАРНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ҲАМДА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддаси, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддаси, "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8, 10 ва 11-моддаларига мувофиқ, шунингдек, фуқаролар йиғинлари раислари ва улар маслаҳатчиларининг ваколат муддати 2016 йил май-июнда тугаши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва улар маслаҳатчиларининг навбатдаги сайловини ўтказиш муддати 2016 йилнинг май-июнь ойлари этиб белгилансин.

2. Бўлажак сайловда 9764 нафар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг 99 минг нафардан зиёд маслаҳатчиси сайланиши режалаштирилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. 2016 йил май-июнь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир тадбирлар режаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси таркиби 2-иловага мувофиқ;

(Давоми 2-бетда).



# МЕҲРИБОН, ОҚИЛА, ГЎЗАЛ ВА ДИЛБАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Президентимиз раҳнамолигида ушбу йўналишда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар айни чоғда аёлларнинг давлат ва жамият бошқарувининг барча бўғинида, суд-ҳуқуқ тизими, нодавлат ташкилотлар фаолияти, ижтимоий тизимларда, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият, умуман айтганда, барча жабҳада ибрат кўрсатиб, самарали меҳнат қилишига, шунингдек, ижтимоий-сиёсий ҳаётда, ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнларида фаол қатнашишига кенг имкон яратаяпти. Қолаверса, ҳаётимизда борган сари муҳим ўрин тутаётган тармоқлар тараққиётини, фермерлик ҳаракати, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, юқори технологияларга асосланган замонавий соҳаларни уларнинг иштирокисиз тасаввур қилиш қийин. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг 17, Қонунчилик палатаси депутатларининг 16 фоизини аёллар ташкил этаётгани, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ҳамда туман Кенгашларида юзлаб аёллар фаолият юритаётгани, тадбиркорларнинг 35, фермерларнинг 10 фоизи айнан хотин-қизлар ҳиссасига тўғри келаётгани эътиборга моликдир.

Юртимизда қайси йилга ном берилмасин, ҳамиша унда аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, уларни қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият қаратилади. Жумладан, жорий йилнинг "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилингани, шу муносабат билан Давлат дастури ижрога йўналтирилгани хотин-қизлар манфаатларини таъминлаш, сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳар томонлама соғлом ҳамда баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган юксак ғамхўрликнинг яна бир амалий ифодаси бўлди.

Кеча пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ташкил этилган тантанали йиғилишда ҳам ана шу жиҳатлар алоҳида таъкидланди.

Тадбирда турли соҳаларда кўп йиллардан буён Ватанимиз равнақи йўлида самарали меҳнат қилаётган онахонлар, хотин-қизлар қўмиталари ва бошланғич ташкилотлари, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари иштирок этди.

Қатнашчилар дастлаб пойтахтимиздаги Мустақиллик майдонида бўлиб, истиқлолимиз, порлоқ истиқболимиз ҳамда эзгу ниятларимиз рамзи — Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйдилар. Сўнгра улар Республика ихтисослаштирилган сув спортини ривожлантириш маркази фаолияти билан яқиндан танишдилар. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театрида "Садоқат" спектаклини томоша қилишди.

Тантанали йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Р. Усмонов очди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова ўтган даврда мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш, унинг янада гуллаб-яшнашига улуш қўшиш, оилаларда, жамиятимизда меҳр-оқибат муҳитини кучайтиришда ҳар жиҳатдан фаол, фидойи ва ташаббускор хотин-қизларимизнинг ўрни ҳамда таъсири беқиёс эканлигини, буларнинг барчаси уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги, иқтисодиётнинг турли соҳаларидаги нуфузини ошириш борасида олиб борилаётган комплекс чора-тадбирларнинг амалий натижалари эканини қайд этди. Опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш, бандлигини кафолатлаш, меҳнат ва ўқиш шароитларини яхшилаш, оила, никоҳ муносабатларини тартибга солиш, ёш оилаларга моддий ҳамда маънавий кўмак кўрсатиш, истеъдодли қизлар салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларни спортга кенг жалб этиш учун зарур шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани аёллар манфаатларини таъминлаш даражасини янада юқори босқичга кўтарди. Чунончи, ўтган йилда хотин-қизлар учун 404 минг 155 иш ўрни ташкил этилиб, уларнинг салмоқли қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжаликларини ривожлантириш, уй меҳнатининг барча шаклини ташкил қилиш ҳисобидан яратилгани диққатга сазовордир.

Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида босқичма-босқич олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашда долзарблик касб этмоқда. Бинобарин, ўтган даврда ҳомиладор аёлларнинг овқатланиш рационига алоҳида аҳамият берилиб, оғирини енгил қилиш, уларга қисқартирилган иш куни белгилаш, кундалик турмуш учун муносиб маданий-маиший шароитлар яратишга катта эътибор қаратилди. Пировардида оналар ва болалар саломатлиги мустаҳкамланиб, бу борада эришилаётган ютуқлар халқаро ҳамжамият эътирофига сазовор бўлмоқда. Чунончи, ривожланиш кўрсаткичлари бўйича фарзандларимизнинг 92 фоизи Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келаётгани бунинг тасдиғидир.

Юртимизда аёллар ва болалар спорти изчиллик билан ривожлантирилаётгани, спортнинг қизларга мос турлари кенг оммалаштирилаётгани натижасида сўнгги йилларда бадиий гимнастика, стол тенниси ва сузиш билан шуғулланаётган қизлар сафи кенгайиб бораяпти. Юзлаб қизларимиз халқаро спорт мусобақаларида Ватанимиз байроғини баланд кўтариб, юксак совринларни қўлга киритаётир.

Тадбирда Президент қарорига мувофиқ, жорий йилда адабиёт, санъат, фан, таълим, маданият соҳаларида эришган муваффақиятлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган 14 нафар қизга ушбу юксак мукофотлар тантанали равишда топширилди.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари — Яккабоғ озиқ-овқат саноати ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Моҳидил Низомова, Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаси Зулхаё Раимқулова мамлакатимизда ёшлар, айниқса, истеъдодли қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтидорларини рўёбга чиқариш, фаоллигини оширишга қаратаётган доимий эътибори учун Юртбошимизга самимий миннатдорлик изҳор этди.

Шунингдек, тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Мирза Азизов, Ангрен шаҳридаги Мирзо Улуғбек номидаги маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Раъно Ҳайитқулова хотин-қизларни байрам билан табриклаб, опа-сингилларимизни эъзозлаш, уларга чуқур ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш эзгу қадриятга айлангани, бу эса соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, фаровонлигини юксалтириш, жамиятимизда ҳамжиҳатлик муҳитини кучайтиришдек улуғвор мақсадларга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Тадбирда санъат усталари ва ёш ижрочилар томонидан концерт дастури намойиш қилинди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н. Йўлдошев, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев иштирок этди.

**Зиёда АШУРОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

# АХБОРОТ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мажлисда таъкидлаб ўтилганидек, ўтган давр мобайнида ўтказиб келинган фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишда талабчанликни кучайтириш мактабига айланди.

2016 йилда бўлажак фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови юқоридаги қонунлар нормаларининг талабларига мувофиқ, жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнлари чуқурлашиб бораётган, сифат жиҳатидан янги ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий шароитда бўлиб ўтади.

Муҳокама жараёнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг аъзолари томонидан таъкидлаб ўтилганидек, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасидаги энг муҳим талаблар ҳамда мақсадли вазифалар фуқаролар йиғинларининг органларини шакллантиришда кенг иштирок этиш борасидаги фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини тўла-тўкис рўёбга чиқариш учун ташкилий-ҳуқуқий шароитларни таъминлашдан, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари сайлови жараёнининг барча иштирокчилари томонидан амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига сўзсиз ва оғишмай риоя этилишидан, фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига номзодлар билан, уларнинг ишчанлик ва ахлоқий фазилатлари билан фуқароларни таништиришдан иборат. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловни демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳамда демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг ғоят муҳим омили бўлган ошкоралик, муқобиллик ва тенг сайлов ҳуқуқи принциплари асосида тайёрлаш ва ўтказишнинг боришини кенг ёритиш бўйича самарали ахборот-таҳлил ишини олиб бориш, шунингдек, сайлов жараёнига ёшлар ва хотин-қизларни кенг жалб этиш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш талаб қилинади.

Масалани муҳокама қилиш якунлари бўйича олдинги сайловларнинг тажрибасини ва қонунчилик ҳужжатларининг талабларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида» қарор қабул қилиб, унда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш муддати қилиб 2016 йил май-июнь ойларини белгилади, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир тадбирлар режасини, сайлов бюллетенлари намуналарини тасдиқлади.

Шунингдек, Кенгаш томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси тузилди ва унинг таркиби тасдиқланди. Комиссия таркибига парламент иккала палатаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Республика Маънавият тарғибот маркази, бошқа вазирлик ва идораларнинг вакиллари киритилди.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси Сенатининг**
**Ахборот хизмати.**

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг

# ҚАРОРИ

## ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИ РАИСЛАРИ (ОҚСОҚОЛЛАРИ) ВА УЛАРНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ҲАМДА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайлови бўйича сайлов бюллетени намунаси 3-иловага мувофиқ;

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) маслаҳатчиларининг сайлови бўйича сайлов бюллетени намунаси 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига 2016 йилнинг 20 мартигача бўлган муддатда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияларни тузиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларига фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишда фуқаролар йиғинларига кўмаклашиш, зарурат бўлганда уларни бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлаш;

халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларига ўз сайлов округларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишни ташкил этишда фаол иштирок этиш;

оммавий ахборот воситаларига фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш жараёнини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар комиссиялари томонидан ўтказиладиган тадбирларда фаол иштирок этсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси ўтказилган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисидаги ахборотни умумлаштирсин ҳамда 2016 йил 20 июлга қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгашига сайлов якунлари тўғрисида ахборот берсин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси Сенатининг Раиси** **Н. ЙЎЛДОШЕВ**

Тошкент шаҳри,
2016 йил 5 март

Миеко ЯБУТА:

# ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ — ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ДОИМИЙ ВА УСТУВОР ЙЎНАЛИШИДИР

Мамлакатимизда БМТнинг Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти, Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти, Болалар жамғармаси, Аҳолишунослик жамғармаси, Тараққиёт дастури, Гиёҳванд моддалар ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича бошқармаси, ОИВ/ОИТС бўйича бирлашган дастури каби тузилмалари ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Улар билан ҳамкорликда 440 дан зиёд лойиҳа амалга оширилган. Бугунги кунда 70 дан ортиқ лойиҳа ҳаётга татбиқ этилаётир. Хусусан, БМТ Аҳолишунослик жамғармаси — ЮНФПА 1993 йилдан буён мамлакатимизда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, юқумли касалликларнинг олдини олишга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни арафасида ЎзА мухбири **БМТ Аҳолишунослик жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Миеко ЯБУТА** билан суҳбатлашди.

*— Ябута хоним, Ўзбекистон ҳақидаги таассуротларингиз билан ўртоқлашсангиз.*

— Ўзбекистонда иш фаолиятимни яқинда бошлаганимга қарамай, гўзал юртингиз мени ўзига буткул мафтун этди. Қадимдан турли маданият ва цивилизациялар чорраҳаси бўлган Ўзбекистон бой тарихга эга. Пойтахтингиздан ташқари қадимий Самарқанд, Бухоро ва Термиз шаҳарларида бўлдим. Ўзбекистон ва менинг ватаним Япония кўплаб ўхшаш жиҳатларга эга, деб ҳисоблайман. Масалан, камтарлик ва меҳнатсеварлик халқларимизга хос олижаноб фазилатлардир. Шу сабабли мен Ўзбекистонда ўзимни ўз уйимдагидек ҳис этмоқдаман ва юртингизнинг бошқа шаҳарларида бўлиш, самимий одамлар билан учрашишни интиқлик билан кутмоқдаман.

*— 2016 йил Ўзбекистонда "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилинди. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида фикр билдирсангиз.*

— Оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш мамлакатингиз мустақиллигининг илк йиллариданоқ Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналиши бўлиб келмоқда. Ўтган даврда ушбу соҳада қатор давлат дастурлари амалга оширилди. Улардан бири — Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастуридир. 2016 йилнинг "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилингани ушбу муҳим Давлат дастурини рўёбга чиқаришда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Саломатлик одамлар бахт-саодатининг асосий шартларидан биридир, шу боис ЮНФПА номидан Ўзбекистон Республикаси Президентига оналар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш йўлидаги доимий ғамхўрлиги учун миннатдорлик билдираман.

1993 йилдан буён ЮНФПА мамлакатингизга репродуктив саломатликка доир хизматлар кўрсатиш соҳасида кўмаклашиб келаётир.

*— Ўзбекистон билан ЮНФПА ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати, амалга оширилаётган қўшма лойиҳалар ва келгуси режалар тўғрисида сўзлаб берсангиз.*

— Ўтган йили тўрт йўналишни қамраб олган Мамлакатга доир учинчи беш йиллик дастури якунланди. Репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш ва бу соҳадаги хизматлар сифатини ошириш дастурнинг асосий қисмини ташкил этди. Дастурнинг ёшларга оид йўналиши уларнинг репродуктив саломатлик ва соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги билимларини кенгайтиришга қаратилди. Дастурнинг яна бир йўналиши гендер тенглигини таъминлаш, жумладан, мамлакатингизда CEDAW (БМТнинг Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияси) тавсияларини жорий этиш ҳамда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ва маҳалла маслаҳатчиларининг бу борадаги билимини оширишни қамраб олди. Амалга оширилган ишлар ва эришилган натижалар ҳақида бирор хулосага келиш учун тегишли тадқиқотлар ўтказиш зарур. Шу сабабли ЮНФПА репродуктив саломатлик, гендер тенглиги ва ёшлар эҳтиёжларига доир маълумотлар тўплашга ҳар томонлама кўмаклашди.

ЮНФПАнинг Мамлакатга доир тўртинчи дастури аввалги дастурлар ютуқларига асосланади. Бунда тиббий хизмат кўрсатиш ва гендер тенглиги соҳасида қонунчилик базасини мустаҳкамлашга эътибор қаратилади.

*— Жамиятда хотин-қизлар мавқеини мустаҳкамлаш, уларнинг ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлардаги иштирокини фаоллаштиришга қаратилган кенг кўламли тадбирлар ва саъй-ҳаракатлар ҳақида қандай фикрдасиз?*

— Сўнгги йилларда Ўзбекистонда кўплаб соҳалар, айниқса, соғлиқни сақлаш ва таълим тизимида салмоқли даражада ўсишга эришилди. Айни пайтда гендер тенглиги ҳам тўла таъминланган. Қизлар бошланғич, ўрта ва ўрта махсус таълим олиш ҳуқуқига эга.

Гендер тенглигини мустаҳкамлаш мақсадида қонунчилик ва институционал база яратилган. Ўзбекистонда қонунчилик ва ижро ҳокимиятида аёллар иштирокини кенгайтиришнинг миллий механизмлари мунтазам такомиллаштириб борилмоқда. 1991 йилда хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг миллий механизмини ифодалаган Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси ташкил этилган. 2005 йилдан бошлаб ижро ҳокимиятида хотин-қизлар сафи кенгайиб бораётганини кузатмоқдамиз. Хотин-қизлар учун меҳнат бозорида тенг имконият ва қўшимча рағбатлар яратилмоқда. Хусусан, тадбиркор аёллар учун махсус микрокредитлар ажратилаётир.

*— Ўзбекистонда хотин-қизлар турмуш шароитларини яхшилаш, улар учун янада қулай шароитлар яратишга йўналтирилган қатор дастурлар амалга оширилмоқда...*

— Дарҳақиқат, бу борадаги саъй-ҳаракатлар изчил амалга оширилаяпти. Масалан, хотин-қизларга мўлжалланган махсус микрокредитлар ажратилаётгани, аёллар спортининг оммалашаётгани, замонавий тураржой мажмуалари барпо этиш кўламининг кенгаяётганини алоҳида таъкидлаш керак. Ўзбекистон келгусида ҳам ушбу йўналишда кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширишига ишончимиз комил.

*— Суҳбатимиз 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни арафасида бўлиб ўтмоқда. Байрам муносабати билан Ўзбекистон хотин-қизларига тилакларингиз?*

— Ўзбекистон аёлларининг Халқаро хотин-қизлар кунини шодхуррамлик билан нишонлашига тилакдошман. Улар жуда меҳрибон ва меҳнатсевар. Ўзбекистондаги барча эркаклар ўз оналари, турмуш ўртоқлари, опа-сингиллари ва аёл ҳамкасбларига янада кўпроқ меҳр-муҳаббат кўрсатишини тилайман.

**ЎзА мухбири**
**Ирода УМАРОВА**
**суҳбатлашди.**

# Ёш спортчилар шижоати

Спорт — саломатлик гарови. Бинобарин, мамлакатимизда эртамиз эгаларининг баркамол бўлиб вояга етишлари учун барча шарт-шароит яратиб берилаяпти. Бу борада мунтазам ўтказиб келинаётган турли мусобақалар уларни оммавий спортга кенг жалб қилиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини чуқур қарор топтиришда муҳим аҳамият касб этаётир.

**ФЕСТИВАЛЬ**

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамкорлигида Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб ўсмирлар, қизлар ҳамда болалар ўртасида ташкил этилган “Соғлом авлод учун” кубоги фестивалининг очилиш маросимида ана шулар алоҳида таъкидланди.

Тадбир доирасида 150 нафардан зиёд ёшлар спорт рақси, бадминтон ва ушу бўйича ўзаро баҳс олиб борди. Болаларнинг кўргазмали чиқишлари томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Хусусан, Тошкент ахборот технологиялари университети спорт мажмуаси мезбонлик қилган спорт рақси бўйича мусобақалар барчага ёрқин дамларни бахш этди.

Тошкент халқаро Вестминстер университетида эса истеъдодли ўғил-қизларимиз ушунинг нозик жиҳатларини яна бир бор намоён қилиб беришди. Уларнинг бири-биридан чаққон ва айни пайтда нафис ҳаракатлари ҳаммага завқ улашди. Шу билан бирга, мазкур олий таълим муассасасида кечган бадминтон беллашувларида энг кучли ҳаваскор ҳамда профессионал спортчилар зафар қучди.

Фестиваль якунида ғолиб ва совриндорлар диплом ҳамда совғалар билан тақдирланди.

**Суннатилла ИСЛОМОВ.**

**КЎКЛАМ ЮМУШЛАРИ**

# Мавсумга 103 минг тупдан зиёд кўчат тайёрланди

Сирдарё давлат ўрмон хўжалигида қайрағоч ва тутнинг маҳаллий турлари кўчатларини тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Боиси, бундай ниҳоллар Мирзачўл воҳаси тупроқ шароитига тез мослашади, кўчалар ҳамда хиёбонларга ўзгача кўрк бағишлаб, эрта кўкламдан то кеч кузгача яшиллигини йўқотмайди.

Шунингдек, хўжаликда ўстирилаётган “Шарқ туяси” ҳамда пирамидасимон арча кўчатларига ҳам талаб юқори. Айни чоғда бу ерда япон софораси, ўрик, шафтоли сингари дарахт ниҳоллари ҳам етиштирилмоқда. Бинобарин, боғбонлар жорий йилги кўкаламзорлаштириш мавсуми учун 103 минг тупдан зиёд ана шундай бир неча турдаги мевали ва манзарали дарахт кўчатларини тайёрлашди.

— Бу йил кўчатчилик майдонларимизни янада кенгайтирдик, — дейди ўрмон хўжалиги директори Шокир Нурмуҳаммедов. — Шу билан бирга, дуб, каштан, сумах кўчатлари етиштиришга ҳам киришдик. Ҳозир Мирзаобод тумани ҳудудидаги ўрмонзорни кенгайтириш ҳаракатидамиз. Яна 4 гектар яйдоқ ерга қайрағоч ва ясин ниҳоллари ўтқазиб, яшил майдон ҳажмини жами 14 гектарга етказмоқчимиз.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЭЪЛОНЛАР

## «KO‘P TARMOQLI KO‘CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Чилонзор тумани СИБ томонидан ЖИБ Юнусобод тумани судининг 2015 йил 2 декабрдаги ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Ал-Хоразмий кўчаси, 17-мавзеда жойлашган, умумий майдони 664,0 кв.м.дан иборат автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва ювиш шохобчаси ҳамда Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Ал-Хоразмий кўчаси, 17-мавзеда жойлашган, умумий майдони 132,0 кв.м.дан иборат автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва ювиш шохобчаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 078 667 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 8 апрель куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko‘p tarmoqli ko‘chmas mulk savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа ҳужжатлар иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади ҳамда аукцион савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил:**
**Тошкент шаҳри, Олмазор тумани,**
**Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона.**
**Телефонлар: (0-371) 249-54-59, 249-53-61.**

413R/6

Хизматлар лицензияланган.

## «Universal realtor» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк объектлари такроран қўйилмоқда:

* Тошкент шаҳар Юнусобод тумани СИБ томонидан 2013 йил 21 январдаги 425-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Қоронкўл кўчаси, 84-уйда жойлашган, фойдаланиш майдони 1448 кв.м.дан иборат бўлган тураржой биноси.

***Бошланғич баҳоси — 357 973 000 сўм.***

* Тошкент шаҳар Юнусобод тумани СИБ томонидан 2013 йил 3 июндаги 16556-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, «Олой бозори» савдо мажмуасининг 2-қаватида жойлашган, умумий майдони 125 кв.м.дан иборат бўлган савдо дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 786 801 556 сўм.***

* Тошкент шаҳар Юнусобод тумани СИБ томонидан 2013 йил 3 июндаги 16555-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, «Олой бозори» савдо мажмуасининг блок «А» қисмида жойлашган, умумий майдони 76 кв.м., битта хонадан иборат бўлган савдо дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 484 088 920 сўм.***

* Тошкент шаҳар Юнусобод тумани СИБ томонидан 2015 йил 9 ноябрдаги 57841/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 19-мавзе, 39-уйда жойлашган, умумий майдони 3702,80 кв.м., ер майдони 2401,10 кв.м.дан иборат, ертўлали, 9 қаватдан иборат ётоқхона биноси.

***Бошланғич баҳоси — 1 500 000 000 сўм.***

* Тошкент шаҳар Олмазор тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2014 йил 16 февралдаги 10-1410/24130-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Уста Ширин кўчаси, 116-уйда жойлашган, умумий майдони 2371 кв.м.дан иборат бўлган нотураржой биноси.

***Бошланғич баҳоси — 1 000 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 22 март куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уйда бўлиб ўтади. Аризалар юқорида кўрсатилган манзилда иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 18 март куни соат 11.00 да тўхтатилади.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан закалат пули тўғрисидаги келишувни имзолаганидан сўнг объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Universal realtor» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104975228001, МФО: 00445, СТИР: 302269399.

**Қўшимча маълумот учун манзил:**
**«Universal realtor» МЧЖ,**
**100047, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 15-уй.**
**Телефон: (0-371) 150-35-55.**

416R/609

Хизматлар лицензияланган.

## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
## Фарғона вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида арзонлаштирилган нархларда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Суд департаменти Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2015 йил 14 декабрдаги 2-62/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

**1.** Фарғона шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 67-уй, 1-қавати ва Фарғона шаҳри, Шароф Рашидов номидаги МФЙ, Соҳибқирон Темур кўчаси, 77/67-уйда жойлашган савдо дўкони («Сарвиноз» савдо дўкони) ҳамда 12 турдаги кўчар мулклар мажмуа сифатида.

***Бошланғич баҳоси — 205 221 789 сўм.***

**2.** Фарғона шаҳри, Янги аср кўчаси, 80-Б» уйда жойлашган 31, 32, 32А, 33, 33А, 34, 35, 36-сонли савдо дўконлари (MARKET & FOOD) ва 11 турдаги кўчар мулклар мажмуа сифатида.

***Бошланғич баҳоси — 662 316 348 сўм.***

**3.** Фарғона шаҳри, «51-Соҳибкор» МФЙ, Яхшилик кўчаси, 37-уйда жойлашган, икки қаватли, биринчи қаватида савдо дўкони ва иккинчи қаватида умумий овқатланиш бино-иншоотлари («7-Кун» савдо дўкони) ва 61 турдаги кўчар мулклар мажмуа сифатида.

***Бошланғич баҳоси — 1 842 769 401 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 6 апрель куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 4 апрель куни соат 18.00.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас ва кўчар мулклар билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Фарғона вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Фарғона вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609030, МФО: 00544, СТИР: 207122519.

**Манзил: Фарғона шаҳри,**
**Ал-Фарғоний кўчаси, 7-уй, 52, 53-хоналар.**
**Телефонлар: (0-373) 244-29-39, 244-26-23.**
**Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz**

407R/02

Хизматлар лицензияланган.

## «Universal auktsion invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

2016 йил 22 март куни соат 11.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига Ангор тумани СИБ томонидан ФИБ Термиз туманлараро судининг 2014 йил 23 августдаги ижро варақасига асосан хатланган, Ангор тумани СИБ ҳовлисида сақланаётган, 2011 йилда ишлаб чиқарилган, «Epica BDA» русумли, давлат рақами 78 Y 880 BA бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 65 000 000 сўм.***

Автотранспорт воситаси 2016 йил 22 март куни аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, унинг такрорий аукцион савдоси 2016 йил 6 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

2016 йил 6 апрель куни соат 11.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига ФИБ Қумқўрғон тумани судининг 2014 йил 17 июлдаги 1-1635-сонли ижро варақасига асосан, Қизириқ тумани СИБ томонидан хатланган, Халқ банки Қизириқ тумани филиали, Қизириқ тумани «Машина-трактор парки» АЖ ва Қизириқ тумани, Истара маҳалласида яшовчи фуқаро Тоҳир Хушбоқовнинг ҳовлисида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

* 2007 йилда ишлаб чиқарилган, «ТТЗ-100-11» русумли трактор, давлат рақами 41-99 ЕЦ.

***Бошланғич баҳоси — 45 000 000 сўм.***

* 2008 йилда ишлаб чиқарилган, «ЛТЗ-60-АБ10» русумли трактор, давлат рақами 04-30 ЕЦ.

***Бошланғич баҳоси — 50 000 000 сўм.***

* 1998 йилда ишлаб чиқарилган, «Nexia» русумли автомашина, давлат рақами 19 В 55-05.

***Бошланғич баҳоси — 25 000 000 сўм.***

* 1999 йилда ишлаб чиқарилган, «КЕЙС-2366» русумли комбайн, давлат рақами 12-52-СМ.

***Бошланғич баҳоси — 50 000 000 сўм.***

Аукцион савдосига Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2013 йил 11 июндаги 19-1306/3123-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қизириқ тумани, «Ҳусниддин Очилдиев» ф/х раҳбари У. Эрбўтаеванинг ҳовлисида сақланаётган, 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 36-90 ЕЦ бўлган «ДТ 75ДЕРС4» русумли трактор қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 68 850 000 сўм.***

Аукцион савдосига Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2013 йил 10 апрелдаги 19-1306/3112-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қизириқ тумани, «Гулистон миришкори» ф/х раҳбари ҳовлисида сақланаётган, 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 76-48-СМ бўлган «ВТ-150ДЕ» русумли трактор қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 44 980 000 сўм.***

Аукцион савдосига Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2014 йил 18 августдаги 19-1404/3112-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Халқ банки Қизириқ тумани филиали ҳовлисида сақланаётган, 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 98-99 ЕЛ бўлган «ТТЗ-80-11» русумли трактор қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 34 000 000 сўм.***

Аукцион савдосига Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2014 йил 18 августдаги 19-1404/10451-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қизириқ тумани, «Сардор қалқон» ф/х раҳбари Артиқов Панжи Норбўтаевичнинг ҳовлисида сақланаётган, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 98-51 ЕЦ бўлган «МТЗ-80х» русумли трактор қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 15 000 000 сўм.***

Аукцион савдосига ФИБ Қумқўрғон тумани судининг 2014 йил 12 июндаги 1-1186-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қизириқ тумани, Мустақиллик маҳалласида яшовчи Абсаттарова Холдон Мамарасуловнанинг ҳовлисида сақланаётган, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 75 F 215 CA бўлган «ГБА СПГ Nexia» русумли автомашина қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 36 000 000 сўм.***

Аукцион савдосига ФИБ Қумқўрғон тумани судининг 2014 йил 19 ноябрдаги 1-2834-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қизириқ тумани, «Ҳожисафар Мисиров» ф/х раҳбари Эргашев Ғайрат Жовлиевичнинг ҳовлисида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

* 1989 йилда ишлаб чиқарилган, «МТЗ-80х» русумли трактор, давлат рақами 81-27 СМ.

***Бошланғич баҳоси — 20 000 000 сўм.***

* 1982 йилда ишлаб чиқарилган, «Daimler Benz» русумли автомашина, давлат рақами 75 M 688 AA.

***Бошланғич баҳоси — 5 000 000 сўм.***

Аукцион савдосига Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2014 йил 18 августдаги 19-1404/10454-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қизириқ тумани, Бектепа маҳалласида яшовчи Суюнов Қудратнинг ҳовлисида сақланаётган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 22-60 ЕЖ бўлган «ТТЗ- 8011» русумли трактор қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 25 123 000 сўм.***

Аукцион савдосига Шеробод тумани СИБ томонидан ФИБ Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2015 йил 27 апрелдаги ижро варақасига асосан хатланган, Халқ банки Шеробод филиали, Шеробод тумани, Мустақиллик кўчаси, 94-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

* 1997 йилда ишлаб чиқарилган, «Nexia» русумли, давлат рақами 19 K 84-77.

***Бошланғич баҳоси — 22 500 000 сўм.***

* 1996 йилда ишлаб чиқарилган, «Nexia» русумли, давлат рақами 75 K 646 DA.

***Бошланғич баҳоси — 25 000 000 сўм.***

Аукцион савдосига Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2015 йил 9 февралдаги 19-1404/24053-сонли ва 2015 йил 9 апрелдаги 11407/1754-сонли ижро варақаларига асосан, Термиз шаҳар СИБ томонидан хатланган, Термиз шаҳри, Ат-Термизий кўчаси, 90-уйда сақланаётган, 2011 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 75 975 DAA бўлган «ГБА СПГ Damas VAN» русумли автомашина қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 21 613 000 сўм.***

Аукцион савдосига ФИБ Термиз туманлараро судининг 2015 йил 25 декабрдаги ижро варақасига асосан хатланган, Термиз тумани, «Паттакесар» ҚФЙда сақланаётган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 75 717 EAA бўлган «Lacetti» русумли автомашина қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 34 770 000 сўм.***

Аукцион савдосига Бойсун тумани СИБ томонидан ЖИБ Бойсун тумани судининг 2015 йил 8 майдаги 1-32-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бойсун тумани ИИБда сақланаётган, 1980 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 19 C 2243 бўлган «Москвич» русумли автомашина қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 280 000 сўм.***

Аукцион савдосига Ангор тумани СИБ томонидан ФИБ Термиз туманлараро судининг 2014 йил 23 августдаги ижро варақасига асосан хатланган, Ангор тумани, «Таллимарон» ҚФЙда сақланаётган, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 75 Y 648 CA бўлган «КамАЗ-35212» русумли автомашина қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 35 000 000 сўм.***

Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан ФИБ Термиз туманлараро судининг 2015 йил 15 июлдаги ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳар АТ «Туронбанк»да сақланаётган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 75 D 686 AA бўлган «Nexia DGLE» русумли автомашина қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 30 000 000 сўм.***

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти) ҳамда 2016 йил 22 мартдаги аукцион савдосига 2016 йил 18 март куни ва 2016 йил 6 апрелдаги аукцион савдосига 2016 йил 4 апрель куни соат 16.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Universal auktsion invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ХАБ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги МФО: 01063, СТИР: 302083379, 20208000204932168018 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

417R/33

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва батафсил маълумот олиш манзили:**
**Термиз шаҳри, «Тадбиркорлар маркази» биноси.**
**Мурожаат учун телефон: (+99876) 223-25-55.**

**Гувоҳнома № 004059.**

## «TOSHKENT UNIVERMAGI»
### акциядорлик жамияти

2011 йилдан 2014 йилгача бўлган давр учун ҳисобланган дивидендларини олмаган акциядорларини шу йиллар бўйича уларга тўланиши лозим бўлган дивидендларни олишлари учун универмагнинг бухгалтериясига учрашишлари кераклиги тўғрисида хабардор қилади.

Мазкур хабарнома орқали «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 42-моддасига мувофиқ, акциядор ўз акцияларига бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи депозитарийни ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида ўз вақтида хабардор қилиши шартлигини эслатамиз. Акциядор ўзига оид маълумотлар ўзгарганлиги ҳақидаги ахборотни тақдим этмаган ҳолларда, бунинг оқибатида унга етказилган зарар учун жамият жавобгар бўлмайди.

Инвентаризация ўтказилиши ҳамда акциядорларнинг анкетадаги маълумотлари акциядорлар рўйхатидаги маълумотлар билан солиштирилиши сабабли, акциядорлардан мазкур хабарномани олгач, «Toshkent univermagi» акциядорлик жамиятига паспорти ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларнинг аслини ва нусхасини шахсан тақдим этишларини сўраймиз.

**Боғланиш учун телефонлар:**
**(0-371) 256-79-97, 233-41-50, 233-40-91, 256-30-01.**

382A/174

## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
## Қашқадарё вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Нишон тумани СИБ томонидан ЖИБ Қашқадарё вилояти судининг 2015 йил 1 декабрдаги 2-77-15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Сафар Мамашоев» маиший хизмат кўрсатиш хусусий корхонасига тегишли, Нишон тумани, Янги Нишон шаҳри, Нодирабегим кўчасида жойлашган, ер майдони 216,38 кв.м., қурилиш майдони 202,33 кв.м. бўлган ошхона биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 397 684 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 12 апрель куни соат 14.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 8 апрель куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Қашқадарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609009, МФО: 00190, СТИР: 207122519.

**Манзил: Қарши шаҳри, «Қарлиқхона» МФЙ,**
**Тошсарой кўчаси, 20-уй.**
**Телефон: (0-375) 225-44-58. www.1kms.uz**

414R/02

Хизматлар лицензияланган.



ТАЛҚИН

*Аёл борки, олам мунаввар. Бу ибора замирида бир олам маъно мужассам. Аслида, борлиқни қуёш эритади. Қуёшнинг эса яна бир номи бор. У — Меҳр. Аёлни, онани меҳрга менгзаш, ҳатто, ундан-да зиёдроқ нур ва илиқлик манбаи мавжуд бўлса, ўшанга қиёслаш арзигулик. Негаки, аёл, она меҳри кўнгилларни мунаввар этади, унга тафт бағишлайди.*

*Бу латиф ҳарорат эса ер юзида дунёга келадиган сон-саноқсиз мўъжизаларга, ҳайратларга доялик қилади.*

*Бу эъзоз-эҳтиром азалий ва ўлмас шарқона қадриятларимиздан биридир. Ҳадисларда ҳам унинг асоси мужассам. Чунончи, "Жаннат оналарнинг оёғи остидадир" дейилган калом ва шу сингари эзгуликка ундовчи ҳикматлар, умуминсоний анъаналаримизнинг ҳаётбахш шуълалари мумтоз адабиётимиз улуғларининг ижод маҳсулларида ҳам ўз ифодасини топган.*

# Эътибор, эъзоз, эҳтиром

Аёлларни асраб-авайлаш, уларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш халқимизнинг эзгу фазилатларидан бири саналади. Айниқса, истиқлол туфайли биз, хотин-қизлар юксак эъзоз, ҳурмат-эҳтиром ва қадр топдик.

Бугун аёлнинг ўз ошёнининг чиройи ва чароғбони бўлиб, бехавотир яшаши, Онанинг юраги остида пайдо бўлган, вужудида куртакдек уна бошлаган зурриёдидан тортиб, аср кўрган момоларга-да кўрсатилаётган эъзозни, миллатнинг ғурури баланд, довруғи достон бўлиши учун муҳайё этилган мислсиз имкониятларни санай десак, сўз камлик қилади.

## «...Ҳаёти жоним сенсен»

Машҳур Шарқ мутафаккирларининг насрий, назмий асарларидаги аёл шаъни мадҳ этилган сатрлар ана шу умрбоқий ғояларнинг нозик ифодасидир.

Устозлари сингари Алишер Навоий ҳам икки жаҳонига фазо — юксаклик, мартаба тилаган киши падари бузруквори қатори, аввало, онасини рози қилмоғи, жисми жонини унинг азиз бошига садқа этмоғи лозимлигини уқтиради. Қуйидаги пурмаъно сатрлар эса мутафаккир шоирнинг қатъий таъкиди бўлиб жаранглайди:

*Оналарнинг оёғи остидадур,*
*Равзайи жаннату жинон боғи.*
*Равза боғи висолин истар эсанг,*
*Бўл анонинг оёғи туфроғи.*

Аёл ҳақида фикр юритар экан, Навоий "Маҳбуб ул-қулуб" асарида шундай ёзади: "Яхши хотин — оиланинг давлати ва бахти. Уйнинг озодалиги ундан, уй эгасининг хотиржам ва осойишталиги ундан.

Ҳуснли бўлса — кўнгил ёзиғи, хушмуомала бўлса — жон озиғидир. Оқила бўлса, рўзғорда тартиб-интизом бўлади, асбоб-анжомлар покиза ва саранжом туради.

Киши бу каби жуфти ҳалол билан бахтга эришса, ғам ва кулфатда сирдошга, ошкор ва пинҳоний дард аламда ҳам дардкашга эга бўлади. Турмушда бошингга ҳар қандай жафо тушса, ҳамдардинг у, тескари айланувчи фалакдан бошингга гар бало келса, кўмакдошинг у. Кўнглингга ғам юзланса, у ҳам ғамнок, баданингга хасталик ва заифлик етишса, унинг ҳам жони ҳалак".

Мавлоно Лутфий ҳам аёл зотини эҳтиром билан шундай таърифлайди:

*Сен латофат пайкарининг хонисен,*
*Ҳусн авжининг маҳи тобонисен.*
*Гар пари десам сени, маъзур тут,*
*Чин кўзум инсонидин пинҳонисен.*

"Аллоҳ таоло сизларга хотинларга яхшилик қилишингизни буюради, чунки улар оналарингиз, қизларингиз ва холаларингиздир" дейилади ҳадисларда. Қуйидаги сатрларни битган Бобур ҳам энг мушкул дамларида, сарсон-саргардонлик кезларида тулпорини аҳли аёлига тортиқ қилиб, ўзи пиёда тоғу тош кезгани аёл зотига эҳтиром туфайли бўлса, ажаб эмас.

*Жонимда менинг*
*ҳаёти жоним сенсен,*
*Жисмимда менинг*
*руҳи равоним сенсен.*
*Бобурни сенингдек*
*ўзга йўқ ёри азизи,*
*Алқиссаки, умри*
*жовидоним сенсен.*

Ҳаёт бор экан, муҳтарама оналаримиз, азиз опа-сингилларимизга меҳр-муҳаббат то абад давом этаверади. Айни пайтда қалам аҳлининг у ҳақдаги беғубор туйғулари ҳам тўлқинланиб қоғозга тўкилаверади.

**Отабек ИСМОИЛОВ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.**

## Ҳар ошён чиройи ва чароғбони

Муаззам пойтахтимизда, адабиётимиз намоёндаларининг ҳайкаллари қад ростлаган, хусусан, ўзбек шоираси Зулфияхоним сиймоси эса вафо ва садоқат, ибрат тимсолига айланган.

Бизга шундай озод ва обод юртда ҳеч кимдан кам бўлмай яшаш бахти насиб этди. Аёл ишдан сўнг "Гўзаллик салони"га, кино, театрга, меҳмондорчиликка боради. Оиласидан хотиржам, ҳаётидан рози. Юртимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеи юксалди, сиёсий-ижтимоий ҳаётдаги фаолиятини қўллаб-қувватлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Қабул қилинаётган Фармон ва қарорларнинг аксариятида хотин-қизларни ижтимоий ҳаётнинг янаям фаол иштирокчисига айлантириш мақсади ўз аксини топган. Энг чекка қишлоқларда ҳам аёл ҳақ-ҳуқуқлари, манфаатларини таъминлаш, хотин-қизлар турмуш даражасини ошириш алоҳида эътиборда.

Президентимиз ҳар бир чиқишларида аёлларнинг оғирини енгил қилиш ҳақида гапирадилар, бу борадаги амалий ишларда ташаббускорлик кўрсатадилар. Бунинг натижасини жамиятимиздаги ҳар бир аёл, шу жумладан, мен ҳам кундалик фаолиятимда, оиламда, кўча-кўйда ҳис қиламан, юрагимдан ўтказаман. Биргина мисол, намунавий лойиҳалар асо-

ШУКРОНА

сида уй-жойлар қурилиши кўламини кенгайтириш ҳисобига аҳоли, хусусан, хотин-қизларнинг турмуш даражасини янада яхшилашда кенг кўламли ишлар қилинаётир. Давлат кафолати билан ажратилаётган маблағлар ва имтиёзли кредитлар асосида биргина 2015 йилда вилоятимизнинг 22 жойида 865 та уй-жой қурилди. Бундан ташқари, ушбу массивларда 19 та инфратузилма объекти — бозор фойдаланишга топширилди. Булар ҳаммаси аёлларимизнинг бахтли, қулай шарт-шароитда яшаши учун эмасми?! Шунга муносиб тарзда хотин-қизлар барча жабҳада фаоллик кўрсатиб, мамлакатимиз тараққиётига катта ҳисса қўшиб келмоқдалар. Иқтисодиётимиз, илму фанимиз, санъатимиз, спортимиз, тиббиётимиз, таълим-тарбиямиз, қўйингки, барча соҳадаги ютуқларда аёлларимизнинг салмоқли улуши бор.

Бугун аёл меҳнатининг қадри баланд. Унинг эзгулик сари ҳар бир интилиши рағбатлантирилмоқда. Ўзимдан мисол: ўтган йили давлатимиз раҳбари Фармонига кўра, "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими" унвони билан тақдирландим. Бу эътибор ва юксак ишончдир. Мен таълим бераётган мактаб тўла-тўкис таъмирланиб, барча ўқув жиҳозлари ва анжомлар билан таъминланган. Таълим муассасамизда 500 нафардан ортиқ ўқувчига она тили ва инглиз тилидан чуқурлаштирилган тарзда билим берилаяпти.

Мухтасар айтганда, биз, аёллар бугун ҳар томонлама иззату ҳурматдамиз. Бунга жавобан мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда фидойилик кўрсатаверамиз.

**Гулнора ЖАББОРОВА,**
**Янгиариқ туманидаги 38-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими.**



Ҳасан ПАЙДОЕВ сурат-лавҳаси.

## ОНА, ОПА, СИНГИЛ

Она...

Тунлари ой билан сўзлашиб, боласига фақат унга тегишли, оҳанги майин, ҳар авжида юлдузлар нафис жаранглаган — Абадият қўшиғини айта олган тенги йўқ санъаткор.

Оиласига ҳар бир кунини бағишлаб, совуқни совуқ, иссиқни иссиқ демай куюниб, интилиб, энг гўзал лаҳзаларни капалаклардай ҳаёт гулзорига учириб, бахтни безатиб қўйган энг буюк мусаввир, бу — она.

Ватанига жону жигарларини хизматга йўллаган, оқ ювиб, оқ тараган фарзандларига "Ватан — энг улуғ она" дея таълим берган, керак бўлса, унга-да жону жаҳонини туҳфа этишга тайёр — қаҳрамонлар қаҳрамони ҳам онадир...

Бу таърифнинг чеку чегараси йўқ...

Опа эса...

Илк сўзини такрорлаганидан

ТУЙҒУ

буён ота-она атрофида гиргиттон бўлиб, рўзғорга барака сўраб, ўн ёшида укасини опичлаб, катта йўлга, онаси, отаси кўрсатган томонга шаҳдам қадам ташлаган муниса, оқила, момоларини сўраб, суриштириб, кундалик тутиб, мерос йиққан, олимлар олими — опа.

Бу таърифнинг минг битта саҳифаси бор.

Сингил...

"Онамга, отамга, опа сизга, ака, сизгаям ўхшайман-а", дея, нозланиб, атиргулдай бўй таратиб, бир ўйнаб, бир кулдириб, ўзига бутун оламни маҳлиё этган ҳурилиқо — сингил, ҳа, ҳа, сингил...

Эртанги куннинг соҳибаси, таъбир жоизки, боғбони, эгачиси, боғу бўстонларни баҳорда завққа тўлдирадиган, оиланинг нуридийдаси, қалбларни қалбларга туташтирувчи фариштаси, шоираи даврони, дунёнинг меҳрибони — сингил, сингилжонлардир...

Унинг таърифи беадоқ. Айтсанг, минг йил етмас...

Қисқаси, оналар, опалар, сингиллар — Сиз бахту иқболимиз, кўнглимиз тафти, кўзимиз нури — барча ниятларингиз ушалсин. Доимо омон бўлинг. Сизга таъзим!

Байрамингиз муборак!

**Абдували ҚУТБИДДИН.**

ФАХР

Болалигимданоқ маҳалламиздаги тенгқурларим билан бел олишиб, кўпинча уларни йиқитардим. Буни кўрган муаллимамиз Малоҳат опа Худойбердиева бир куни шундай дедилар:

— Қизим, худди ўғил болалар сингари чапдастлик билан олишасан-а, ҳаракат қилсанг, сендан ажойиб курашчи чиқади.

## Ғалаба онлари жуда ҳам тотли

Устознинг гапларидан қалбимдаги орзу-умидларга гўёки қанот битгандай бўлди. Кураш билан жиддий шуғулланишга аҳд қилдим. Қароримни ота-онам ҳам қўллаб-қувватлашди. Бешинчи синфга ўтгач, дарсдан сўнг туманимиз марказидаги миллий кураш мактабига қатнай бошладим. Дастлабки ғалабани қўлга киритган куним сира-сира ёдимдан чиқмайди. Ўшанда Ўқитувчи ва мураббийлар байрамига бағишлаб туман миқёсида ташкил этилган турнирда майдонга тушгандим. Тенгдош барча рақибларимнинг курагини ерга теккиздим. Шунда сездим, зафар нашидаси ширин бўларкан. Кейинчалик бундай қувончли лаҳзалар кўп бора насиб қилди.

Ҳозирги кунга қадар турон яккакурашида тўрт, ўзбек миллий кураши бўйича уч карра Ўзбекистон чемпионлигига эришдим. 2012 йили Лондонда миллий курашимиз бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида фахрли учинчи ўринни эгалладим. Айни пайтда ҳисобимда 12 та олтин, 4 та кумуш ва 8 та бронза медаль бор.

Ўтган йили Халқаро Хотин-қизлар байрами арафасида ҳаётимда қувончли ва унутилмас воқеа юз берди. Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлдим.

Буларнинг ҳаммаси юртимизда аёллар, хусусан, қизларга кўрсатилаётган юксак эътибор, уларнинг жамият ҳаётида фаол иштирок этиши, ўқиш, меҳнат қилиш, спорт билан шуғулланишлари учун яратилган бекиёс имкониятлар шарофатидан, деб биламан.

Бугунги кунда Наманган олимпия захиралари коллежида дзюдо йўналиши бўйича таҳсил олаяпман. Мақсадим, миллий спортимиз равнақига ҳисса қўшиш орқали юртимиз байроғини халқаро майдонларда янада баланд кўтаришдир.

**Кумуш ХЎЖАЕВА,**
**Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси.**

БОҚИЙ САТРЛАР

## Муҳаббат жавоҳири



Ширин ҳамиша атрофидаги тўрт юз қиз билан бирга сафарга чиқар эди. У Гулгун лақабли отига миниб, бу гал Фарҳод ариқ қазиётган тоққа етиб борди. Ширин билан Фарҳоднинг учрашуви бундай тасвирланади (Ширин сўз бошлайди):

*Ки: "Эй нодир йигит офоқ ичинда,*
*Ягона чархи нили тоқ ичинда!*

*Аён ҳолингда кўп, кўп булъажаблиқ,*
*Ажабдин ҳам жаб ранжу талаблиқ.*

*Не сен ўхшаб жаҳонда бир кишига,*
*Не қилған ишинг ўхшар эл ишига.*

*Бу ишким, биз демай бунёд этибсен,*
*Баҳоят кўнглумизни шод этибсен.*

*Бўлур эрдук ҳусули ичра ожиз,*
*Ҳунар эрмас, қўлунг кўргузди мўъжиз.*

*Агар юз қарн узройин бўлоли,*
*Нетиб бир кунчилик узринг қўлоли.*

*Ишинг узрида юз биздек ўтангай,*
*Не биздин, тенгридин олингға ёнғай".*

Шундан кейин Ширин бир товоқ жавоҳир сўради, уни Фарҳоднинг бошига сочди. Фарҳод ҳам Ширинни кўриб, айниқса, унинг бу ширин сўзларини эшитиб, тамом беором бўлди. Ҳаяжон аро деди:

*Деди: "Жонпарвар анфосингдин ўлдум,*
*Унингдин, умр ранжидин қутулдум.*

*Не англайким, қаю маҳрў экансен,*
*Ичим қон айлаган сенму экансен?!*

*Мени ғурбат аро бечора эткан,*
*Диёру мулкдин овора эткан,*

*Чиқиб жоним унунгдин бўлғач огоҳ,*
*Юзунгни кўрмай ўлдим оҳ, юз оҳ!"*

*Анингдек оҳ тўфонин чиқорди*
*Ки, маҳвашнинг ниқоби елга борди.*

*Кўрунгач ул жамоли оламоро,*
*Анинг матлуби бўлди ошкоро.*

*Ҳамул эрдики, мафтун бўлмиш эрди,*
*Кўруб кўзгуда мажнун бўлмиш эрди.*

*Бировким акс кўргач ҳуши кетса,*
*Ўзин кўргач, нетонг, жон таркин этса.*

*Бировким бўлса майнинг зикридин маст,*
*Нетонг, ичканда бўлса ер уза паст.*

*Чу Фарҳод ул пари эрканни билди,*
*Чекиб ўтлуқ фиғон андоқ йиқилди...*

**Алишер НАВОИЙнинг**
**«Фарҳод ва Ширин» достонидан.**

ҲИКОЯТ

## Қалб бирла севинг...

Бир куни Мажнун касал бўлиб ётиб қолди. Даволаш учун табиб чақирилди.

Табиб:

"Томирдан қон олиш керак" деб Мажнуннинг қўлини боғлатди. Қон олиш пайти Мажнун: "Эй, табиб, қўлимни еч, шу касалликдан майли ўлай, қон олишдан воз кеч," деб додлади.

Табиб Мажнундан:

— Сен наъра тортган арслондан қўрқмайсану қўлингдан қон олдиришдан қўрқасанми? — дея сўради.

Мажнун шундай жавоб берди:

— Мен нинадан қўрқмайман. Менинг вужудим, борлиғим Лайли билан тўладир, қон олиш пайти Лайлини ранжитасан, мен шундан қўрқаман. Яна бир кун Мажнунга яқинлари: "Лайли деб ёниб-куясан. У қиз асло сен айтгандек гўзал эмас-ку", дедилар. Мажнун жавоб берди:

— Сиз Лайлини менинг кўзим билан кўринг, менинг қалбим билан севинг! Мен унинг сурат жомидан абадий ишқнинг шаробини ичдим, у шароб сизга сиркадир.

**Жалолиддин РУМИЙнинг**
**«Маснавий»сидан.**

*Ҳикмат*

***Қадрини бил, қирқ йил эгил.***

*(«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 10 март, пайшанба куни чиқади).*


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 367. 144 485 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳих — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.15 Топширилди — 21.30 1 2 3 4 5 6